

## ИНГЛИЗ ВА ЎЗБЕК ТИЛЛАРИДА ҚЎШМА СЎЗЛАРНИНГ СЎЗ ЯСАШ ТИЗИМИДА ТУТГАН ЎРНИ

**Муқумжон Ахунов Мұхаммадаминович**

(PhD) филология фанлари бўйича фалсафа доктори

E-mail: muqumjon.ahunov@bk.ru

Tel: +998979977443

**Биби Мухлиса Ғуломова Махмуджон қизи**

Андижон давлат чет тиллари институти, Инглиз филологияси, ўқитиш  
методикаси ва таржимашунослик факультети талабаси

### АННОТАЦИЯ

*Инглиз тилида кенг тарқалган тил ҳодисалардан бўлмиши қўшима сўзлар ва уларнинг таркибий тузилиши ва шу билан боғлиқ бўлган семантикасини ўрганиши ва шу асосда уларни ўзбек тилидаги қўшима сўзлар билан қиёслаш, ҳар иккала тил учун умумий бўлган хусусиятларни умумлаштириши ва шу аснода қиёсланаётган тилларнинг ҳар бирига хос бўлган ҳодисаларни очиб бершидир.*

**Калим сўзлар:** қўшима сўз, сўз ясаш, қисқартма сўз, ибора, лингвокультурология.

### THE ROLE OF COMPOUND WORDS IN THE WORD-FORMATION SYSTEM IN ENGLISH AND UZBEK LANGUAGES

### ABSTRACT

*To study compound words, which are common linguistic phenomena in English, and their structural structure and related semantics, and on this basis, to compare them with compound words in Uzbek, to summarize the features common to both languages, and to reveal the phenomena specific to each of the compared languages is to give.*

**Key words:** compound word, word formation, acronym, phrase, linguoculturalism

### КИРИШ

XX асрнинг охириги чорагидаги назарий тилшуносликнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг қариндош ва қариндош бўлмаган тиллар системасини қиёсий ва типологик тадқиқ қилишдаги муаммоларига бўлган қизиқишидадир. Ва бунда дикқат марказида қариндош тилларнинг ва қариндош бўлмаган тилларнинг қиёсий анализ методи борасидаги вазифалар ёки тилнинг турли соҳаларининг умумтиллар типологияси нуқтаи назаридан таҳлили туради.

Икки ёки ундан ортиқ тилларнинг келиб чиқишидан қатъий назар қиёсланиши ҳар доим ҳам она тили бўлмаган тилнинг ўқитилиши жараёнида маълум фактларни ифодалашда асосий вазифа бўлиб келган. Умуман олганда қиёсланаётган тиллар орасидаги фарқлар орқали таққосланаётган манбаларга асосланган. Типологик тадқиқотлар дунёдаги тилларнинг изоморфизми (барча тилларга хос умумий маълумотлар) ва алломорфизмини (маълум гуруҳдаги тилларгагина хос бўлган маълумот ёки белгилар) тахлил қилишга жалб қилинган. Шундай экан, ҳар иккала методиканинг мақсади умумий планнинг ўзида (умумий ва якка ҳолдаги) қиёсланаётган тиллардаги қиёсланаётган бирликлар ва алоқалар орасидаги структурали фарқлар ва айнан ўхшашликлар умумий ва алоҳида кўринишда намоён бўлади.

Тилнинг қиёсий ва типологик тадқиқотлари хорижий тилларни ўқитища илмий асосланган тизимни яратиш борасидаги амалий вазифаларда ҳам умумий хусусиятларга эга. Ҳаммага маълумки, чет тили ўқитувчиси ўзининг дастлабки амалий ишларида ёқ она тили ва чет тилини қиёслаб, иш олиб бориши керак. Демак, қиёслаб ўқитиши амалий нуқтаи назаридан беназир ҳисобланади ва ҳар доим чет тилини ўрганишда лингвистик асос сифатида намоён бўлади.

## МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Чет тилини ўрганишда лингвистик типология ҳам амалий қимматга эга. Чет тилини ўқитища она тили ва хорижий тилнинг типологик белгиларининг ифодаланиши муҳим ҳисобланади. “Ҳар иккала тилдаги мавжуд типологик белгилар – деб ёзади машҳур совет тилшуноси ва услубиётчиси профессор В.Д.Аракин, - хорижий тилларни ўрганишдаги илмий асосланган тизимни ишлаб чиқиши ва унинг асосида хорижий тилларни ўқитиши учун илмий асосланган дарсликлар яратиш имконини беради<sup>1</sup>”.

Тилларнинг қиёсий ва типологик тахлили натижасида юзага келган хулосалар назарий таржима принципларини яратишда муҳим роль ўйнайди. Л.С.Бархударовнинг эътирофларига кўра, таржиманинг лингвистик назарияси фақат “таржима жуфтлиги<sup>2</sup>”ни хосил қилувчи тиллар орасидаги ўхшашлик балки фарқли томонларни тахминий очилгандагина мақсадга мувофиқ ҳолда ишлаб чиқилиши мумкинлигини такитлаган.

Шундай қилиб, қиёсий ва типологик методларнинг мақсад ва вазифалари кўпгина бўлимларда мос келади, қиёсий методгина ўз табиатига кўра, тилнинг ҳақиқий қиёсий характеристикасининг дастлабки босқичи, деган таърифнинг

<sup>1</sup> В. Д. Аракин. Лингвистическая типология и методика обучения иностранным языкам. “Вопросы теории методики преподавания иностранных языков”. Казань, 1969, 77.

<sup>2</sup> Л.С. Бархударов. Русско-английские языковые параллели. РЯЗР, 1972, 66

тўғрилигини тасдиқлайди. Шунинг учун тилшуносликка оид адабиётларда “қиёслаш” атамасини типологик метод доирасида ишлатадилар, “таққослаш” атамасини эса қариндош тилларни қиёсий ўрганиш доирасида (яъни генетик метод борасида) кўлладилар.

Охирги пайтларда тилларни қиёслаб ўрганишда лингвистик типологиянинг қиёсий услуг билан яқинлашуви қузатилмоқда. Бунда тилга қиёсий типологик жихатдан ёндашиш белгиланган, яъни амалий мақсадлардаги мавжуд ўхшашлик ва фарқларнинг таҳлили типология доирасида ўтқазилади.

Маълумки, ҳар бир тилнинг луғат бойлиги мунтазам равишда бойиб боради. Тил луғат бойлигининг ўсиб ёки кенгайиб боришига турли лингвистик ва экстралингвистик ҳодисалар сабаб бўлиши мумкин. Тилнинг луғат бойлигини ривожлантирувчи лингвистик омилларга тилнинг ички ривожланиши асосида пайдо бўлган янги сўзлар, сўз бирикмалари, фразеологик бирикмалар киради. Тилнинг сўз бойлигининг ўсишига таъсир этувчи экстралингвистик ҳодисаларга эса, тилга таъсир этиши мумкин бўлган ижтимоий, сиёсий, маданий ва иқтисодий ҳодисалар киради. Бундай ҳодисаларга, бир мамлакатнинг иккинчи мамлакат томонидан босиб олиниши туфайли босиб оловчилар тилининг босиб олинувчилар тилига таъсир ўтказиши (масалан, 1066 йилда Англиянинг нормандияликлар томонидан босиб олиниши туфайли ушбу мамлакатда маълум муддат француз тилининг ҳукмронлик қилиши натижасида инглиз тили таркибида бўлиб ўтган ўзгаришлар, ёки собиқ Совет ҳокимияти ҳукмронлиги даврида иттифоқдош республикаларнинг миллий тилларга рус тили томонидан ўтказилган тазийқ асосида миллий республикалар тиллари таркибида рўй берган ўзгаришлар), ёки араб истилоси ва ислом динининг келтирилиши натижасида ўзбек тилига кириб келган арабча сўзлар) мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий ва маданий алоқаларнинг мунтазам ривожланиб бориши натижасида бир тилдаги сўзларнинг иккинчи тилга кириб бориши (иқтисодий атамалар, тушунчалар (Мисол учун: *банкротлик, кредиторлик*) ва қайта истеъмолга киритилиб янгитдан ўз ўрнини топган сўзлар (*салоҳият, вазирлик, сармоя, мулкдор*) мамлакатда рўй берадиган ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар туфайли (масалан, рус тилидан кириб келган сиёсий ва хуқуқий атамалар (*съезд, область, район, судлов, суд, прокурор, адвокат*) ва тушунчалар) пайдо бўладиган янги сўзлар ва бошқалар киради.

Тил луғат бойлигини ўстиришнинг лингвистик омиллари қаторига бевосита тилнинг ички қонуниятлари асосида пайдо бўладиган янги сўзлар, ва атамаларнинг яратилиши ва истеъмолга киритилиши орқали пайдо бўладиган

тил бирликларидир. Бундай бирликлар, табиийки, сўз ясаш тизими орқали пайдо бўлади. Сўз ясаш тилнинг лексикология ва грамматика (морфология) деб аталган таркибий қисмлари ўртасидаги боғловчи восита сифатида пайдо бўлган бўлиб, у тилда янгитдан пайдо бўлаётган сўзларнинг табиатини, уларнинг ясалиш усулларини, тилда тарқалиш меёrlарини (маълум усулнинг сермаҳсул ёки кам маҳсул эканини) ўрганади. Сўз ясаш қонуниятлари ва унинг тизимини ўрганиш тилнинг бой ички имкониятларини ҳамда сўз ясаш истиқболларини белгилаб олишга ва орфография қонунларини ўрганишга йўл очиб беради. Ҳозирги сўз ясашда қўйидаги усуллар мавжуд: морфологик усул, морфологик-синтактик усул, лексик-синтактик ва лексик-семантик усуллар маълум.

Қиёсланаётган тилларда ҳам ана шу усулларнинг кенг миқёсда қўлланилаётганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Улар орасида кенг тарқалган усуллардан бири морфологик усулдир. Бунда сўзларнинг ўзак қисми (грекча morphos-шакл) асосий курилиш материали бўлиб ҳисобланади. Янги маъно англатувчи қўшимчалар (аффикслар) эса ана шу ўзакка бириктирилади. Қиёсланаётган тилларда сўз ясашнинг қатор омиллари мавжудки, уларнинг ҳар бирига қисқача таъриф бериб, билдирилган фикрларни Амалий мисоллар билан мустаҳкамлаб кетиш мақсадга мувофиқ туюлади. Бундай омиллар қаторига сўз ясашнинг **аффиксация (affixation)**, қўшма сўз ясаш (word composition), **конверсия (conversion)** ва **аббревиация (abbreviation or shortening)** деб аталган усулларини киритиш мумкин.

**Аффиксация** сўз негизига суффикс (сўз ўзаги охирига қўшиладиган сўз ясовчи қўшимча)лар ва префикс<sup>3</sup> (сўз негизи олдига қўшиладиган сўз ясовчи қўшимча)лар қўшиш орқали янги сўз ҳосил қилиш воситаси бўлиб, бунда тилда мавжуд бўлган сўзларга сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш орқали сўзнинг лексик маъноси ўзgartирилади ва янги маъно кашф этилади. Масалан, инглиз тилида келиб чиқиши нуқтаи назаридан унинг ўзига ҳос бўлган кенг тарқалган суффикслардан қўйидагиларни келтириш мумкин: **-ish**, (childish, reddish), **-dom** (freedom, kingdom), **-ful** (beauti-ful, care-ful), **-ness** (ready-ness, fresh-ness), **-less** (careless, childless), **-ship** (friendship, relationship), шунингдек префикслардан **be-** (befriend, beware), **mis-** (mistake, misunderstand), **un-** (unknown, unproductive) **fore-** (foresee, foresay) ва бошқалар. Бу суффикслар тарихан инглиз тилига мансуб бўлган қўшимчалардир. Лекин **-able** (readable, understandable), **-ment** (disarmament, development), **-ation** (classification, ratification) **-ism** (socialism), **-ist** (scientist) суффикслари ҳамда **re-** (reunion, rebuild), **anti-** (antibiotics, anti-nuclear), **dis-** (dissatisfaction, disorderly) каби префикслар грек, лотин ва француз

<sup>3</sup> Т.А.Егорова. Роль префиксации как способа словообразования в английском языке. АКД, Л., 1949

тилларидан кириб келган сўз ясовчи воситалардир. Кўйидаги қўшимча мисолларга ҳам эътибор беринг: **-hood** (child-hood, brother-hood), **-ism** (dogmatism, femin-ism), **-ation** (facination, translatio), **-er** (teacher), **-or** ( actor)-ess (waitress, tigress) ва бошқалар.

Ўзбек тилида кенг тарқалган (сермаҳсул сўз ясовчи қўшимчалар орасида **-чи** (иш-чи, кон-чи), **-лик** (озод-лик, тенг-лик), **-дош** (тенг-дош, йўл-дош), **-паз** (ош-паз), **-гар** (мисгар, зар-гар), **-вул** (бако-вул), **-ғич** (кир-ғич, оч-қич) ва бошқалар. Тадқиқотчиларнинг ҳисоблашларича, инглиз тилида 67 та сўз ясовчи суффикслар қўлланилгани ҳолда, ўзбек тилида 171 та сўз ясовчи суффикс ишлатилар экан. Бундан кўриниб турибдики, ўзбек тилида сўз ясовчи қўшимчалар тизими анча ривожланган экан.<sup>4</sup>

Қиёсланаётган тилларда кенг тарқалган сўз ясаш усуулларидан яна бири **конверсия** усули бўлиб бунда бир сўз туркуми ўзагидан иккинчи яна бир сўз туркуми ҳосил қилинади. Инглиз тилида морфологик кўрсаткичларнинг ўзбек тиличалик кенг тараққий этмагани боис, инглиз тилида конверсия усули орқали сўз ясаш кенг тарқалган усулдир. Масалан:

**work - to work, paper - to paper, walk- to walk, song – to sing paper – to paper, love - to love, wireless - to wireless.**

Ўзбек тилида сўз ўзагига қўшиши мумкин бўлган суффиксларнинг мўллиги туфайли, инглиз тилидан фарқли ўлароқ конверсия усули билан сўз ҳосил қилинганда ҳам унга суффикс қўшилади. Масалан:

**арра - арра-ла-моқ, қўзи - қўзила-моқ, қўз - қўз-ла-моқ, зўр - зўр-ла-моқ** кабилар.

Бу мисолларда отдан феъл ясалмоқда. Бироқ отдан ясалган ҳаракат номини ифодалаш учун от негизига буйруқ майлидаги феъл қўшимчаси **-ла** қўшилмоқда. Шу боис ўзбек тилидаги бу усулни аффиксал конверсия усули деб аташ ҳам мумкин. Сўз ясаш усууларини тадқиқ этган мутахассисларнинг айримлари конверсия усулини қўшимчаларсиз сўз ясаш воситаси деб ҳисоблайдилар<sup>5</sup>.

Қиёсланаётган тиллардаги сўз ясаш усуулларидан яна бири аббревиация, яъни сўзларни қисқартириш (бир қисмини чилпиб ташлаш) орқали сўз ясашдир. Маълумки, тилшунослиқда “лингвистик тежамкорлик” (лингвистическая экономия) деган тушунча бор. Реал ҳаётда бўлганидек, инсон тилдан фойдаланиш жараёнида ҳам тежамкорлик тамойилидан унумли фойдаланади. Бу ҳол айниқса, инглиз ва рус тилларида кенг тарқалган. Шарқ тилларида,

<sup>4</sup> Қаранг: J. Buranov, O. Muminov. Practicfl Course in English Lexicology. T, 1990, p. 32.

<sup>5</sup> Қаранг: Y. Marchand. The categories and Types of Present-Day English Word Formation. Wiesbaden, 1960.

хусусан, туркий тилларда бу ҳол унчалик кенг тарқалган эмас. Инглиз тилидаги “**It is necessary that you should go home**” гапини “**It is necessary for you to go home**” тарзида ёки шунчаки тинловчига мурожаат қилиб, “**It is necessary to go**” тарзида қисқартирилиши каби ҳоллар бу фикрни тасдиқлаши мумкин. Ёйинки, “**It is..., It has...**” ибораларини “**It's...**” тарзида, “**We will go**” гапини “**We'll go**” тарзида ишлатилиши ҳам бу ҳолни тасдиқлаши мумкин. Ана шу тамойил асосида мулоқот жараёнида сўзлар ҳам қисқартирилиши ва натижада янги сўз ҳосил бўлиши мумкин. Масалан:

1. UNO - the United Nations Organization, USA - the United States of America, UK - the United Kingdom, CIS- Commonwealth of Independent States;

2. lab - laboratory, prof - professor, Mr - Mister;

3. smog - smoke and fog, motel - motor hotel ва бошқалар. Бундай ҳолни рус тилидаги “ООН, США, ЦК, СНГ, военкомат” каби сўзларда ҳам кўриш мумкин. Бироқ ўзбек тилидаги МДХ - мустақил давлатлар ҳамдўстлиги, АЁҚШ - автомобилларга ёнилғи қуиши шахобчаси, каби сўзларда қандайдир нотабийлик, бошқа тиллардаги ҳодисаларга сунъий тарзда тақлид қилишдек бир ғализ ҳодиса кузатилади. Агар ўзбек тилида яратилган классик асарларга, жумладан, Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён”, “Ўткан кунлар”, Ойбекнинг “Қутлуғ қон”, “Навоий” каби асарларига кўз югуртирангиз, биронта ҳам қисқартма сўзга дуч келмайсиз. Демак, қисқартма усулда сўз ясаш ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб рус тилининг тазиики остида ўзбек тилга ҳам кириб келди.

Сўз ясашнинг сермаҳсул усулларидан бўлмиш қўшма сўз ясаш (**Word composition**) усули қиёсланаётган ҳар иккала тил учун ҳам характерли бўлган усуллардан биридир<sup>6</sup>. Бунда икки ўзак ёки негизнинг бир ўзакка ёки негизга бириктирилиши орқали янги маъноли сўзлар ясалади. Масалан:

Инглиз тилида: **week-end, office-management, postage-stamp, aircraft-carrier, shoe-maker, bottle-opener, school-master, horseracing, post office, headache, horseshoe, earthquake, screwdriver, sunset, etc.**

Ўзбек тилида: **бошпана, олтиариқ, гултоҷихўроз, беш панжа, гул қайчи, ошқовоқ, тўйхона ва бошқалар.**

Юқорида номлари зикр этилган сўз ясаш усуллари ичида қўшма сўз ясаш учун юқорида айтганимиздек, ўзининг семаҳсуллиги билан, ҳар иккала тилга хос бўлган умумий ва айрим олинган тил учун хос бўлган хусусий жишатлари

<sup>6</sup> Карап: И.А. Потапова. Сложные существительные в английском языке.. АКД. Л., 1949, Ф. Абдурахмонов, Ш. Шукуров. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т., 1973., Х.Абдурахмонов, А. Рафиев. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. Т., 1992, 68-105 бетлар., Ф.Абдурахмонов, А. Сайфуллаев, Ҳ. Рустамов. Она тили. Т., 1995, 18-19 бетлар.

билингвальдик таркибий тузилишидаги компонентлари билан ва ниҳоят, улар ифодалаган семантик маъноларнинг ўзига ҳослиги билан юқорида тилга олинган сўз ясаш усусларидан алоҳида ажралиб туради. Шу боис ҳам бу мавзуни алоҳида фаслларда таҳлил қилишни маъқул кўрдик.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР (REFERENCES)**

1. В.Д.Аракин Лингвистическая типология и методика обучения иностранным языкам. “Вопросы теории методики преподавания иностранных языков”. Казань, 1969, 77.
2. Абдурахмонов F., А. Сайфуллаев, X. Рустамов. Она тили. Т., 1995.
3. Абдураҳмонов F., Ш.Шукурев. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси. Т., 1973.
4. Абдурахмонов X., А. Рафиев. Ўзбек тилининг амалий грамматикаси. Т., 1992.
5. Амосова Н.Н. Основы английской фразеологии. ЛГУ, 1963
6. Арнольд И.В. Стилистика современного английского языка Л.1981.
7. Арнольд И.В Лексикология современног английского языка. (The English Word) М., 1973.
8. Арутюнова Н.Д. Очерки по словообразованию в современном испанском языке. М.,1961.
9. Ахманова О.С. К вопросу об отличие сложных слов от фразеологических единиц. Труды ИЯ., т.1У, М., 1954
10. Бархударов Л.С. Русско-английские языковые параллели. РЯЗР, 1972.
11. Баскаков Б.А. Содиков А.С. Абдуазизов А.А. Умумий тилшунослик, Т., 1989 й.